

Росулulloҳнинг либослари ҳақидаги ҳадислар баёни

Шамоили Муҳаммадия китобига изоҳли ва эркин таржима

[Ўзбекча]

باب ما جاء في لباس رسول الله
ترجمة وتعليقات حرة على كتاب الثمائل المحمدية للترمذي
[باللغة الأوزبكية]

Абу Ийсо Муҳаммад ибн Ийсо ат-Термизий

أبو عيسى محمد بن عيسى الترمذي

Таржимон: Абдуллоҳ Шариф

ترجمة: عبد الله شريف

Нашрга тайёрловчи: Шамсиддин Дарғомий

مراجعة: شمس الدين درغامي

Риёз шаҳри Рабва маҳалласи диний тарғибот идораси

المكتب التعاوني للدعوة وتوعية الجاليات بالربوة بمدينة الرياض

1430 – 2009

islamhouse.com

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

الحمد لله ذي القدرة والجلال، والعظمة والكمال . أحمده على سوايغ الإنعام وجزيل الثواب، وأرغب إليه في الصلاة على نبيه محمد المختار وعلى آله الأبرار، وصحابته الأخيار، والتابعين لهم بإحسان إلى يوم القرار.
أما بعد:

Ушбу "шамоили Муҳаммадия" китобидан бўлаётган дарсимизнинг бешинчи қисми, бу дарсимизда саккизинчи бобдаги Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг либослари ҳақида келган ҳадислар билан танишиб, у зот қандай кийинганликларини мароқ билан ўрганар эканмиз, шу аснода ҳадис илмига оид баъзи масъалаларни ва муҳаддис уламоларимиз Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадислари учун қилган катта аҳамият, эътиборлари ва улкан хизматларидан баъзиларини гувоҳи бўлиб ҳам ўтамыз.

8 – Боб.

(8) باب ما جاء في لباس رسول الله
وفيه (17) حديثا

54 – حدثنا محمد بن حميد الرازي حدثنا الفضل بن موسى وأبو تميلة وزيد بن حباب عن عبدالمؤمن بن خالد عن عبد الله بن بريدة عن أم سلمة قالت كان أحب الثياب إلى رسول الله القميص

Умму Салама розиллоҳу анҳодан ривоят қилинади - бу аёл Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламнинг жуфти-ҳалолларидан бўлиб мўминлар учун онадирлар, чунки Аллоҳ таоло Қуръони каримда унинг аёллари эса уларнинг оналаридирлар деб марҳамат қилган. У онамиз айтадиларки: Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васалламга либосларнинг энг ёқимлиги қомис эди.

Изоҳ: Қомис одатда пахта толасидан тўқилган матодан тикиладиган узун кўйлак.

55 – حدثنا علي بن حجر ثنا الفضل بن موسى عن عبدالمؤمن بن خالد عن عبد الله بن بريدة عن أم سلمة قالت كان أحب الثياب إلى رسول الله القميص

Бу ҳадис ҳам худди аввалги ҳадисни ўзгинаси бўлиб, имоми Термизий бу ҳадисни зикр қилишларидан мақсад ҳадисни мартабасини кўтариш бўлса керак, чунки бу ҳадисда Имоми Термизийга ҳадисни ривоят қилган ровийлар аввалги ҳадисдаги ровийлар бўлмай, балки бошқа кишилар бўлиб Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилувчи эса икки ҳадисда ҳам бир саҳобадир. Бу иккинчи ривоят аввалги ривоят учун мусталаҳ илмида мутобаъа ҳисобланади, бу мутобаъа ва шоҳид мусталаҳ илмида ўзига хос ўрни бўлиб, ҳадисни саҳиҳлик даражасини оширади, валлоҳу аълам.

56 – حدثنا زياد بن أيوب البغدادي ثنا أبو تميلة عن عبدالمؤمن بن خالد عن عبد الله بن بريدة عن أمه عن أم سلمة قالت كان أحب الثياب إلى رسول الله يلبسه القميص قال أبو عيسى هكذا قال زياد بن أيوب في حديثه عن عبد الله بن بريدة عن أمه عن أم سلمة وهكذا روي غير واحد عن أبي تميلة مثل رواية زياد بن أيوب وأبو تميلة يزيد في هذا الحديث عن أمه وهو أصح

Умму Салам розиллоҳу анҳодан ривоят қилинишича айтадиларки: Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам киядиган кийимларнинг у

кишига энг ёқимлиги қомис эди. Имоми Термизий айтадиларки: Зиёд ибн Аюб бу ҳадисни Абдуллоҳ ибн Бурайдадан, у онасидан, онаси эса, Умму Саламадан ривоят қилган, шунингдек Зиёд ибн Аюбнинг ривоятидек, абу Тумайладан бир қанча одамлар ривоят қилишган. Абу Тумайла бу ҳадисда у онасидан деган лафзни зиёда қилиб, бу энг саҳиҳидир деган.

Изоҳ: Қомиснинг маъносини аввалги ҳадисга бўлган изоҳдан билиб олдик, энди бу ҳадиснинг аввалгисидан фарқи нима деган? савол тугилади. Фарқи шундаки иккинчи ҳадисда киядиган деган лафз ортиқча бўлиб, бу лафз аввалгисидан йўқ. Муҳаддислар ҳадисдаги мана шундай майда, маънода катта ўзгариш ясамайдиган сўзларга қаттиқ аҳамият берар эдилар. Аллоҳ таоло қуръонни сақлашни ўзи кафолатига олиб, биз уни нозил қилдик ва биз уни ўзимиз сақлагувчидирмиз деганидек, Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларини ҳам сақлагувчиларни, Аллоҳ таолонинг ўзи чиқариб туришини Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам саҳиҳ ҳадисларда хабарини берганлар.

57 – حدثنا عبد الله بن محمد بن الحجاج ثنا معاذ بن هشام ثنا أبي عن بديل يعني ابن ميسرة العقيلي عن شهر بن حوشب عن أسماء بنت يزيد قالت كان كم قميص رسول الله إلى الرسغ

Асмо бинти Язиддан ривоят қилинишича айтадиларки: Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг кўйлақларининг енги русғача эди.

Изоҳ: Русғ билан кафтниг ўртасини ажратиб турувчи бўғиндир.

58 – حدثنا أبو عمار الحسين بن حريث حدثنا أبو نعيم حدثنا زهير عن عروة بن عبد الله بن قشير عن معاوية بن قررة عن أبيه قال أتيت رسول الله في رهط من مزينة لنبايعه و إن قميصه لمطلق أو قال زر قميصه مطلق قال فأدخلت يدي في جيب قميصه فمسست الخاتم

Муовия ибн Қурра оталаридан ривоят қилишларича оталари айтадиларки: Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг хузурларига Музайна қабиласининг бир гуруҳ кишилари билан байъат қилиш учун бордим. Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг кўйлақлари тугмаланмаган экан. Ровийлардан бири шак қилиб, ёки кўйлақларининг тугмаси ечиқ эди деганлар - дейди. Ҳадис давомида айтадиларки: қўлимни кўйлақларининг жайбидан киргизиб хотамни ушладим.

Изоҳ: Баъзи шарҳловчилар жайбни кўйлақнинг кўкрак қисмидаги очиқлик ёки ёқа тарафидан бўлган очиқлик деганлар. Қурра исмли саҳоба аввалдан хотам борлигини билар эди, лекин фақат барака орзусида муҳрни ушлаган. Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам мақсадини билиб уни ушлашдан қайтармаганлар - дейдилар.

59 – حدثنا عبد بن حميد ثنا محمد بن الفضل حدثنا حماد بن سلمة عن حبيب بن الشهيد عن الحسن عن أنس بن مالك أن النبي خرج وهو متكئ على أسامة بن زيد عليه ثوب قطري قد توشح به فصلى بهم

قال عبد بن حميد قال محمد بن الفضل سألتني يحيى بن معين عن هذا الحديث أول ما جلس إلي فقلت حدثنا حماد بن سلمة فقال لو كان من كتابك فقمتم لأخرج كتابي فقبض علي ثوبي ثم قال أملة علي فإني أخاف أن لا ألقاك قال فأمليته عليه ثم أخرجت كتابي فقرأت عليه

Анас ибн Моликдан ривоят қилинишича у киши айтадиларки: Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам Усома ибн Зайд билан қўлтиқлашиб чиқдилар, -яъни касал бўлганларида уйларидан масжидга чиққан эдилар- эгниларида қитрий либос бор эди. Уни елкаларига ташлаб олган эдилар, сўнг жамоатга имом бўлиб намоз ўқиб бердилар.

Изоҳ: Баъзи уламолар қитрийнинг маъноси пахта матосидан тикилган, Ямандан келтирилган қизил белгили ва чизик йўллари бор либос, ёки Қатар диёрига мансуб олий навлик кийим дейдилар.

Мана бу ерда имоми Термизий яъна инсон зотини ҳайратда қолдирадиган, Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларига бўлган ийманий муҳаббатдан бир шингил келтириб, гўё ислом уламоларининг олий жаноб шахсиётларига урғу бераётгандек бўладилар. Термизий шундай деб қиссани бошлайдилар Абд ибн Ҳумайд айтадиларки: Муҳаммад ибн ал-Фазл айтган эди: Яҳё ибн Маъин илк бор мендан ҳадис эшитиш учун ҳузуримга келганда, мана шу ҳадис ҳақида мендан сўради, мен бу ҳадисни бизга Ҳаммод ибн Салама сўзлаб берган десам, у қани энди бу имлони ёзиб олган дафтарингиздан ўқиб берганингизда эди деди. Унинг дафтардан эшитишга бўлган шавқи ҳадисда хатога йўл қўймасликка олиб боради ва у ўзи ҳам ҳадисни бошқаларга ривоят қилишида эътиборлиқдир. Одатда муҳаддислар ҳадисларни ёдлаб олиб ёзган дафтарларига қарамай ривоят қилишарди, лекин баъзи муҳаддислар ёдда билишса ҳам, эҳтиёткорлик мақсадида ёзган дафтарларидан ўқиб берар эдилар. Яъна ҳадисга қайтамыз ровий Муҳаммад ибн ал-Фазл айтадиларки: Шунда мен дафтаримни олиб чиқиш учун ўрнимдан турган эдим, у этагимдан ушлаб менга айтиб бера қолинг, қайта кўришмай қолармиканман деб қўрқаяпман! - деди. Мен ҳадисни айтиб бердимда дарҳол дафтаримни олиб чиқиб яъна қайтадан ўқиб бердим. Бу муҳаддиснинг ҳадисга бўлган иштиёқига қаранг, худди ҳадисни эшитишидан аввал ажали келиб ўлиб қолиб, армонда кетадигандек қўрқиб ҳадисни айтиб бера қолинг деган. Устоз ҳам шогирдни қадрини билиб илтижосини бажо келтирган. Бу инсонлар иймон лаззатини татиган, ислом қадрини билган, Аллоҳ таоло тавфиқ берган, бахтли мўъминлардир, мана бундай шахслар Ислом тарихида минг-минглаб ўтганлар, гоҳо битта ҳадисни эшитиш учун ойлаб сафарларга чиқишар эди. Аллоҳ таоло бизларга ҳам ўзининг пайғамбари Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларига бўлган муҳаббатни берсин.

60 – حدثنا سويد بن نصر حدثنا عبد الله بن المبارك عن سعيد بن إياس الجزيري عن أبي نضرة عن أبي سعيد الخدري قال كان رسول الله إذا استجد ثوبا سماه باسمه عمامة أو قميصا أو رداء ثم يقول اللهم لك الحمد كما كسوتنيه أسألك خيره وخير ما صنع له وأعوذ بك من شره وشر ما صنع له

Аби Саъид Ал Худрийдан ривоят қилинади айтадиларки: Агар Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам янги кийим киядиган бўлсалар саллами, кўйлакми ёки тўнми, уни исмини зикр қилиб, сўнг эй парвардигоро сенга ҳамдлар бўлсинки! сен уни менга кийдирдинг, унинг яхшилигини ва нимага қилинган бўлса, унинг яхшилигини сўрайман ва унинг ёмонлигидан ва нимага қилинган бўлса, унинг ёмонлигидан сендан паноҳ сўрайман.- дер эдилар.

Изоҳ: Баъзи уламолар унинг яхшилиги дегани унинг узоқ вақт қолишлиги, унга қилинган нарсанинг яхшилиги эса Аллоҳнинг розилиги учун ишлатмоқдир, ёмонлик эса шуларнинг зиддидир,- деб марҳамат қиладилар. Албатта мусулмон киши бир янги кийим кийса уни унга инъом қилган зотга шукр қилишни унитмаслиги керак.

61- ҳадис ҳам худди шу ҳадиснинг ўзи бўлиб аби Саид ал Худрийдан ривоят қилинган.

Изоҳ: Аввал айтиб ўтганимиздек бу ҳадис ҳам мутобаъа қисмидандир.

62 – حدثنا محمد بن بشار أنبأنا معاذ بن هشام ثنا أبي عن قتادة عن أنس بن مالك قال كان أحب الثياب إلى رسول الله يلبسه
الخبزة

Анас ибн Моликдан ривоят қилинишича айтадиларки: Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам киядиган либосларнинг у кишига энг ёқимлиги алхибарадир.

Изоҳ: Яъни пахта ёки каттон яъни зигир каби ўсимликнинг поясидан олиниб тикилган ямандан келтирилган тўн каби либос.

63 – حدثنا محمود بن غيلان أنبأنا عبد الرزاق أنبأنا سفيان عن عون بن أبي جحيفة عن أبيه قال رأيت النبي وعليه حلة حمراء كأنني
أنظر إلى بريق ساقيه قال سفيان أراها حبرة

Авн ибн аби Жухайфа оталаридан ривоят қилишларича оталари айтадиларки: Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васалламни кўрдим устларида қизил тўн бор эди, гўё мен ҳозир у зотнинг икки болдирларининг нурига қараётгандек бўлаяпман.

64 – حدثنا علي بن خشرم حدثنا عيسى بن يونس عن إسرائيل عن أبي إسحاق عن البراء بن عازب قال ما رأيت أحدا من
الناس أحسن في حلة حمراء من رسول الله إن كانت جنته لتضرب قريبا من منكبيه

Баро ибн Озиб розиллоҳу анҳудан айтадиларки: Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васалламдан чиройлироқ қизил тўнда бировни кўрмаганман. У кишининг сочлари елкаларига тушарди.

65 – حدثنا محمد بن بشار ثنا عبد الرحمن بن م هدي أنبأنا عبيد الله بن إيباد عن أبيه عن أبي ر مئة قال رأيت النبي وعليه بردان
أخضران

Абу Римсадан у киши айтадиларки: Мен Пайғамбар алайҳи саломни кўрдим, эгниларида иккита яшил тўн бор эди.

Изоҳ: Икки яшил тўндан мақсад ридо ва изордир. Чунки Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам ва Саҳобаи киромлар ҳам икки қават кийинишлари амри маҳол, саҳиҳ ҳадисларда келишича: Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламдан мол сўраган бодиялик киши у зотнинг тўнларидан қаттиқ тортганда у тўн муборак баданларида из қолдиради. Демак у зотлар ридонинг ўзини кийишар эди. Бизлардек қават-қават кийинишган эмас.

Шу ерда дарсимизга яқун ясаб, бобдаги қолган ҳадисларни кейинги дарсимизда ниҳоясига етказамиз ин шааллоҳ, Аллоҳ таоло гуноҳларимизни мағфират қилиб, ўзи бизларни тўғри йўлдан оздирмасин.

وآخر دعوانا إن الحمد لله رب العالمين.